Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил 28 апрель ШАНБА

№ 33 (12.461)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

## МАЪНАВИЯТ ОИЛАДА ЮКСАЛАДИ

**Олмалиқ "Металлург" маданият саройида республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ташаббуси билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида "Юксак маънавият мустаҳкам оиладан бошланади" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Унда шаҳар коллежлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат 600 дан зиёд иштирокчи қатнашди. Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимизнинг эртанги кун учун "масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, етук мутахассис ёшлар"га бўлган ишончини оқлаш аввало, Ватанга, оиласига, ўзи ўқиётган билим даргоҳига муносиб ҳаракат қилишларини таъкидладилар.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

## БИЛИМ ВА ИҚТИДОР НАМОЙИШИ

**Шу кунларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаҳар ва туман Кенгашлари "Ёш сиёсатчи – 2012" кўрик-танловининг дастлабки босқичини ўтказмоқда. Куни кеча шундай тадбир Ғазалкентда ҳам ташкил этилди.**

Унда Ғазалкент хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Жанар Ўсерова барча шартлар бўйича пухта билим ва юксак малака намойиш қилиб, кўрик-танлов ғолиби бўлди. Иккинчи ўринни 6-интернат тарбиячиси Нуриниса Тўрабоева, учинчи ўринни "Даҳана" маҳалласи бошланғич партия ташкилоти фаоли Рустам Олимжонов эгаллади.

Уларга туман кенгаши фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРИ



# КАТТА КАРВОН

**"Эгамберди карвон" Ўрта Чирчиқ туманидаги энг йирик фермер хўжаликларидан. Зеро, уни бежиз "катта карвон" дейишмайди. Қолаверса, у кўп тармоқли хўжалик. Умумий ери – 265 гектар. 116 гектарга яқин майдонда пахта, 155 гектарда ғалла етиштиради. Бундан ташқари 17 гектар мевали боғ ҳам бор.**

Икки-уч йил аввал вилоятни интенсив боғ-роғларга айлантириш мақсадида бошланган оммавий ҳаракатга бу жамоа ҳам фаол қўшилди. Боғдаги олма, шафтоли, олхўри бу йил гул кўрсатди. Афтидан, нишона ҳосил чакки бўлмайди.

– Ҳақиқатан ҳам катта рўзғормиз, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Мурод Эгамбердиев. – Шу боис аъзоларимиз 126 кишига етди. Техникаларимиз етарли. МТЗ-80 Беларусь чопиқ ва шундай русумли 3 та транспорт тракторларимиз, битта МТЗ-80 ОВХ, БТ-150 ва К-700 хайдов тракторларимиз бор. Бу йил яна битта "Ореон класс-630" ҳайдов тракторини лизинг йўли билан харид қилдик.

Фермернинг айтишича, четдан техника ёлламайдиган, яъни ўзининг техникасига эга бўлган хўжаликнинг сарф-харажати кам, бинобарин, соф даромади кўп бўлади. Масалан, "Эгамберди карвон" 2011 йилни 72 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Шу боис шахсий машина-трактор парки яна битта зарур техника воситаси билан бутланди.

Хўжаликнинг асосий даромад манбаи шуки, пахта ва ғалла ҳосилдорлиги барқарор. Қолаверса, ҳар икки тармоқ ҳам уруғчиликка ихтисослаштирилган, яъни фақат уруғлик учун пахта ва буғдой етиштирилади. Уруғчиликка мўлжалланган ҳосил юқори нархларда қабул қилинади.

– Келгуси йилдан яна бир тармоқ салмоқли даромад келтира бошлайди, – дейди фермер. – 17 гектарли боғимиз бу йил нишона кўрсатди. Эндиги йилдан эса шиғил ҳосилга киради. Мўлжалимиз ўзимиз етиштирадиган мевалар қайта ишланадиган цех қуриб, тайёр маҳсулотларнинг асосий қисмини экспорт қилиш. Ўшанда яна ўнлаб ҳамқишлоқларимиз муқим ишли бўлишади.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

# ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ВА АМАЛИЙ ТАНҚИД РУҲИДА

**Вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг ишида ҳоким ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, бошқармалар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, матбуот ходимлари иштирок этишди.**

**Йиғилишни вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.**

Вилоятни 2012 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Содиқ Абдуллаевнинг ҳисоботи тингланди.

Йиллик ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини муваффақиятли бажариш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида биринчи чоракда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини сақлаб қолиш ва макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш таъминланганлиги таъкидланди. Чунончи, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръатлари ялпи ички маҳсулотда 4,9, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 5,6, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда 6,8, пулли хизматлар кўрсатишда 23,5, чакана савдо айланмасида 9,7 фоизни ташкил этди. Дастлабки уч ойда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар 269 миллиард сўмга етди. Шаҳар ва туманларда 21 минг 91 та янги иш ўрни ташкил этилди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 432,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Чуқур таҳлил ва амалий танқид руҳида ўтган йиғилишда асосий эътибор биринчи чоракда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, корхоналар барқарор ишлашига, янги қувватларни белгиланган муддатларда ишга тушириш, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг башорат кўрсаткичларини бажариш учун қўшимча чора-тадбирлар кўриш масалаларига қаратилди.

Йиғилиш тегишли бошқарма ва идоралар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг белгиланган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, коммунал тўловларни ундиришни тезлаштириш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қурилишини тезлаштириш, касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия савиясини ошириш, битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларига доир ахборотларини тинглади.

Йиғилиш муҳокама қилинган масалалар юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЛИЗИНГ

**"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида "Фермер хўжаликларини техника билан арзон ва қулай шартлар асосида таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини такомиллаштириш масалалари: тажриба, амалиёт ва муаммолар" мавзуида навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди.**

Анжуманда республика Солиқ кодексига мувофиқ лизинг тўловларини қўшилган қиймат солиғидан, четдан олиб келинадиган технология ускуналарини божхона тўловидан ва қўшилган қиймат солиғидан, лизинг оладиган хўжалик юритувчи суъбектларнинг лизинг шартномаси амал қиладиган муддатга солиқдан озод қилингани, лизингга оид қулай қонунчилик базаси яратилгани ҳақида сўз юритилди. "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниясининг ҳудудий филиаллари ва шўъба корхоналари республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғи техникаларини қишлоқ хўжалигига лизинг асосида етказиб бераётир.

Анжуман сўнгида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Н. ШУКУРОВА.**

**Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси олий ўқув юртлари талабалари, мактаб, лицей, коллеж битирувчилари учун 2013 йилги ўқув дастурлари бошланганлигини маълум қилди.**

## ЯПОНИЯГА ЎҚИШГА

Ўқув дастурлари кунчиқар юртнинг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмагида Япониянинг Маданият, спорт, фан ва технологиялар вазирлиги (МЕХТ) томонидан ташкил қилинган. Унга кўра, ўзбекистонлик мактаб, лицей, коллеж битирувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари "Амалиётчи-тадқиқотчи", "Талаба" ва "Ихтисослашган коллеж ўқувчиси" дастурлари доирасида кунчиқар юртнинг университетлари ва коллежларида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Ўқув жараёни Япония ҳукумати стипендиялари асосида олиб борилади. Ўқиш грантларини қўлга киритиш учун талабгорлар Япония элчихонаси томонидан ўтказиладиган саралаш танловларида қатнашиб, имтиҳондан ўтишади. Танлов маълумотнома тўлдириш, ёзма имтиҳон ва оғзаки суҳбат асосида ўтказилади.

**«Туркистон-пресс».**

МАҲАЛЛА

**Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши"га эришишда ўзини ўзи бошқариш идоралари, маҳалла фаоллари амалга оширадиган тарғиботчилик, маърифий-тарбиявий ишлар алоҳида ўрин тутади. Демак, бу жараёнлар самараси соҳа ходимларининг билими, тажриба ва ташаббускорлигига боғлиқ.**

# ФАОЛЛАР УЧУН ЎҚУВ-СЕМИНАР

– Бугун вилоятимизда 1310 та фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда, – деди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими кенгаши раиси Ҳожимурод Эрматов "Тошкент ҳақиқати" мухбирининг фаоллар малакасини оширишга доир чора-тадбирлар хусусидаги саволларига жавоб бериб. – Сўнгги сайловларда 40 фоиздан кўпроқ маҳаллада оқсоқоллар янгиланди. Табиийки, бошқа ходимларнинг ҳам кўпчилиги ўзгарди. Шуни ҳисобга олиб, вилоят ҳокимлиги фуқаролар йиғинлари раислари, масъул котиблари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ва маҳалла посбонлари раҳбарларининг малакасини ошириш масаласини алоҳида муҳокама қилди. Маҳалла фаолиятининг ташкилий асослари такомиллашгани, вазифалари кўлами кенгайиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан муносабатлари шаклланганини эътиборга олиниб, ходимлар ва фаоллар учун ўқув-семинарлари ташкил этишга доир қарор қабул қилинди.

**– Ҳожимурод Дадашевич, машғулотларни ташкил этиш тартиби ҳақида гапириб берсангиз.**

– Машғулотларни ташкил этиш учун вилоят, шаҳар ва туманларда ишчи гуруҳлари тузилди, ўқув-семинарлари дастури тасдиқланди. Шу кунларда ишчи гуруҳлари машғулотлар ўтадиган жойларни жиҳозлаб, ташкилий масалаларни ҳал қилмоқда. Фуқаролар йиғинлари 50 тадан ортиқ бўлган Ангрен шаҳри, Бекобод, Бўстонлиқ, Зангиота, Қибрай, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл туманларида икки-учтадан ўқув гуруҳлари тузилди. Машғулотлар 1 май куни бошланиб, тўрт кун давом этади.

**– Ўқув дастурининг асосий йўналишлари хусусида нима дея оласиз?**

– Ўзбекистон Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаларида таърифлаб берган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да, "Юксак маънавият – енгилмас куч" ва "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарларида баён этилган асосий ғоя ва устувор вазифаларни тингловчиларга етказиш ўқув ташкил этишдан кўзланган асосий мақсаддир. Дастурда белгиланган мавзулар бўйича машғулотлар ўтказиш учун олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, вилоят ташкилот ва бошқармаларининг малакали ходимлари жалб қилинмоқда.

Тўрт кунлик машғулотларда 4111 тингловчи қатнашади. Улар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги қонунчилик асослари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар, янги иш ўринларини барпо этиш, ёшлар, хотин-қизлар билан ишлаш, фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги комиссиялар, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини йўлга қўйиш асослари билан атрофлича таништирилади. Ўйлайманки, тўй-ҳашамлар ва маросимларни ихчамлаштириш, маҳалланинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга доир вазифалар, 2 ва 16 ёшгача бўлган фарзандларни тарбияловчиларга нафақаларни тайинлаш мавзуларидаги маърузалар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотади. Шунингдек, машғулотларда илғор маҳаллаларнинг аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самараси, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, оилавий тадбиркорликни ташкил этишга, "Мустаҳкам оила йили" дастурининг ижросига доир тажрибалари кенг оммалаштирилади.

Барча гуруҳларда ҳокимликларнинг масъул ходимлари, турли идора, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари билан учрашувлар уюштирилади. Пировардида машғулотлар шўъбалар бўйича ташкил этилади. Иштирокчилар тест синовларидан ўтказилади. Ўқув фуқаролар йиғинлари фаолларини қизиқтирган муаммолар юзасидан давра суҳбати билан якунланади.

Машғулотлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимларини мустаҳкамлаб, ташкилий ҳамда амалий иш тажрибаларини оширади.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.**

## АХБОРОТ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида "Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар" мавзуида навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди.**

Иштирокчилар "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича белгилаб берилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда агентлик амалга ошираётган ишлар билан таништирилди.

Анжуман сўнгида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Ю. ФАЗЛИЕВА.**

ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ





# ЕТАКЧИЛАР МАЛАКА ОШИРДИ

**Вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси кенгашида давлат муассасалари жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши бошланғич касаба уюшма қўмита раислари ва ғазначилари учун "Маънавият соати" ва ўқув-машғулоти ташкил этилди.**

Тадбирга, шунингдек, туман (шаҳар) кенгашлари раислари, Тошкент шаҳрида жойлашган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари ва ғазначилари таклиф этилди.

"Маънавият соати"да Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кафедра мудири, сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор Назрулла Жўраев давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарининг мазмун-моҳияти ва муҳим аҳамияти ҳақида иштирокчиларга сўзлаб берди.

Ўқув-машғулоти давомида тадбир қатнашчиларига касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни тўғри ташкил этиш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш масалалари юзасидан кенг тушунча берилди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!

Тел: 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ШАНБА 2012 йил 28 апрель



# ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши "Нуроний" жамғармаси билан ҳамкорликда "Икки авлод учрашуви"ни ташкил этди. Унда Ўрта Чирчиқ туманидан 30 нуроний отахон, илғор фермер ва тажрибали тадбиркорлар ҳамда зангиоталик ёшлар иштирок этишди.**

Улар мустақиллик йилларида барпо этилган ҳамда янгиланган муқаддас қадамжолар, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишишди. Меҳнат фахрийларига ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**



**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

# ЁШЛАРНИ КАСБЛАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

**Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди "Мамлакатда ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни жамоатчиликка етказишда ОАВнинг ўрни ва роли" мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этди.**

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Конференциядан кўзланган мақсад ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларнинг ўз қизиқишлари, қобилият ва имкониятларига мос мутахассисликларни эгаллашларига кўмаклашишдан иборат. Шу боис, асосий эътибор журналистларнинг ижодий фаоллигини ошириш, уларни маълумотлар билан тўла таъминлаш, ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига кўмаклашиш орқали уларни турли иллатлар таъсиридан ҳимоялашда оммавий ахборот воситалари вакилларининг масъулиятини кучайтириш каби масалаларга қаратилди.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Умида ФАЗЛИДДИНОВА.**

ШУНДАЙЛАР БОР БЎЛСИН

# МАСЪУЛИЯТИ ҲАМ, ҲУЗУРИ ҲАМ ЎЗИМИЗГА ТАН

## дейди Зангиота туманидаги "Роҳатой" фермер хўжалиги раҳбари Жўрабой Маҳамадов

Мустақиллик чин маънода халқимизга кенг имкониятлар эшигини очди. Ишлайман, рўзғоримни бутлайман деганларнинг кўксига шамол тегди. Мулкдорлик, тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилди.

Зангиоталик Жўрабой Маҳамадов ҳам истиқлолнинг қалдирғоч фермерларидан. У мустақилликнинг дастлабки йилларида 10 гектар ер, 30 бош қорамол билан "Роҳатой" фермер хўжалигини тузди. Суяги меҳнатда қотган, умри кенг яйловлару далаларда ўтгани боис, фермер хўжалигини қисқа муддатда гуркиратиб юборди. Техника тилини яхши тушунгани, чорвачиликдан ҳам хабардор бўлгани учун ишни тўғри ташкил этиб, озуқа экинлари ҳосилдорлигини кескин оширди. 1996 йилга келиб, собиқ жамоа хўжалигининг чорва фермасини ҳам хусусийлаштириб, ўз хўжалигига қўшди.

Фермер "Микрокредитбанк"дан олган имтиёзли кредити ҳисобига Хитойдан 70 бош зотли қорамол олиб келиб, фермани маҳсулдор моллар ҳисобига тўлдирди. Эндиликда сигирлар фермер хўжалигига катта даромад келтирмоқда.

Хўжаликнинг 91 гектар ери бор. Шундан 50 гектари беда. 38 гектар майдонда маккажўхори, яна 3 гектар ерда озуқа лавлагиси парваришланмоқда. 130 бош соғин сигирнинг сути қиш мавсумида ҳам ўртача 10 литрдан пастга тушгани йўқ. Уларнинг оғзи кўкка теккач, сути кескин кўпайди.

– Чорвачилик шундай соҳаки, унга бир кун беэътибор бўлсангиз, ой, ҳатто, йилларни йўқотишингиз ҳеч гап эмас, – дейди Жўрабой Маҳамадов. – Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларнинг энг асосий масъулияти ҳам шунда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи фермер экинни босқичма-босқич парваришлаб борса, чорвачиликда бу жараён ҳар куни бир зайлда давом этади. Айниқса, қиш мавсумида масъулият ўн чандон ортади

Бугун фермер хўжалигида 7 та трактор, 5 та юк машинаси чорвадорлар оғирини енгил қилмоқда. Яқинда салкам 100 миллион сўмга 2 та МТЗ-82,1 трактори сотиб олинди. Германиядан 55 миллион сўмга харид қилинган автомат соғиш аппаратлари тез орада ишга туширилади ва соғувчиларнинг иши янада енгиллашади.

Хўжаликда 50 киши доимий иш билан банд. Уларнинг рўзғори тўкинсочин. Чунки, фермер ҳар бир оиланинг иссиқ-совуғидан хабардор. Ҳар йили мукофот тариқасида ишчиларга 10 тагача қорамол бепул тарқатилади. Ҳудуддаги кам таъминланган оилаларга ҳам ёрдамини аямайди.

**Ҳикматулла МАҲКАМОВ.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

**Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган устувор вазифалар амалга оширила бориб, давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида адлия идораларининг роли кучайтириляпти.**

# ТАЪСИРЧАН КУЧ

Республика Президентининг "Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш соҳасида адлия органларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида Адлия вазирлигида Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолият кўрсата бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Унинг вилоятимиздаги ҳудудий бўлими давлат бошқаруви ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат қилувчи идораларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига ва қонунийликка риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат олиб бормоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. Шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар Ер кодекси, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг вилоят ҳудудий бўлими ходимлари ўрмон хўжаликларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ фаолиятни ўрганиб чиқишди. Кейинги йилларда вилоятимиздаги ўрмон хўжаликларида муайян ишлар қилингани таъкидланиб, айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилгани кўрсатилди.

Аниқланган қонунбузилиш ва хато-камчиликлар юзасидан ўрмон хўжаликларининг бошқарувига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида уларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш тўғрисида ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилди. Ўрмон жўжаликларининг беш масъул ходими интизомий жавобгарликка тортилиб, бир ходим эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Шу жараёнда соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга доир қонун ҳужжатларига айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрланиб, тегишли идораларга юборилди. Ўрмон хўжаликларида юз берган ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш ва келгусида такроран йўл қўймаслик чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, уларнинг бажарилиши устидан назорат амалга оширилмоқда.

Шу тариқа янги тузилма давлат ҳокимияти ва бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ўртасида ўзаро манфаатлар мувозанатини таъминлаш тамойили самарали ишлашига хизмат қилмоқда.

**Ойбек БОЗОРОВ, Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси вилоят ҳудудий бўлими бош маслаҳатчиси.**

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# ТЕАТРЛАРГА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

**Мамлакатимизда 37 та профессионал театр фаолият кўрсатмоқда. Улар ҳар йили турли мавзу ва жанрларда 150 дан ортиқ спетаклни саҳналаштиряпти. Уларни танлашда, айниқса ёш авлод онгини маънавий-маърифий, эстетик жиҳатдан бойитиш, ватанпарварлик туйғуларини кучайтиришга асосий эътибор қаратилмоқда.**

Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамда Маданият ва спорт ишлар вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси "Ўзбекистон театрларининг ривожланиш жараёни, амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва истиқболли вазифалар" мавзуида уюштирган матбуот анжуманида шулар ҳақида гап борди.

Театрларнинг моддий-техник базаси ҳам йилдан-йилга яхшиланиб бораётгани, Ўзбекистон Давлат санъат институти, Давлат консерваторияси, Миллий рақс ва хореография олий мактаби театрларга мутахассис кадрлар етказиб беришга ҳаракат қилаётгани таъкидланди.

Тадбир сўнгида оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига театр раҳбарлари жавоб беришди.

**Юлдуз ИСАЕВА.**

**Ҳаётда ўз ўрнини топиш, дўст-ёр орттириш, кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозониш – ҳар кимнинг камоли-ю, амалига боғлиқ.**

**Зулфия Алимуҳаммедова беминнат меҳнати, жонкуяру фидойилиги билан эл назарига тушиб улгурган. Олти йиллик фаолияти давомида у маҳаллада ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувликни қарор тортиришга эришди. Ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш ҳам у кишининг зиммасида.**

# ЎЗБЕКОНА ҚАДРИЯТЛАР ГЎШАСИ

Фарзандлар тарбияси, уй юмушлари устига маҳалла... сизни толиқтирмайдими, дея сўраганимизда "Бу иш менга жуда ёқади, аёлмиз-да, ҳаммасига улгурамиз" деб жавоб бердилар. Демак, у оиласидагина эмас, жамиятда ҳам ўз ўрни бўлишини истайди. Навоий маҳалласи аҳолиси ҳар ишда у билан маслаҳатлашади, унинг йўл-йўриқ ва кўрсатмаларини астойдил бажаради. Қолаверса, тўй-томоша, ҳашар ва маъракалар ҳам раиссиз ўтмайди.

– Мустақиллик йилларида маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайиб бормоқда, – дейди Чиноз тумани Навоий маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зулфия Алимуҳаммедова. – Шунингдек, маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бораётгани қувонарли. Бу эса соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, ўзбек халқигагина хос бўлган азалий қадриятлар, урф-одатларни ўсиб келаётган ёш авлод онгу тафаккурига сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда". Буни ушбу маҳаллада олиб борилаётган эзгу амаллар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Маҳалла тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда турли мавзудаги тадбирларни мунтазам уюштиради. Ёшлар ўртасида ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби иллатлар тарқалишига қарши тадбирларнинг кети узилмайди. Бундан ташқари, маҳалла фаоллари ҳудуддаги 1-умумтаълим мактабига тез-тез ташриф буюриб, эрта никоҳнинг оқибатлари, тиббий кўрик, шахсий гигиена ва орасталик хусусида давра суҳбатларини ташкил қиладилар. Турли диний экстремистик гуруҳлар, уларнинг ғаразли мақсадларини аҳолига, айниқса, ёшларга тушунтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Аслида улар "Ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ қарамаслик, доимо сергак ва огоҳ бўлиш" шиорига амал қиладилар. Маҳалла ҳудудида 6 та кўча, 4 та кўп қаватли уй, 370 та хонадон бор. Кўчаларни ободонлаштириш, теварак-атрофни саранжом-саришта қилишда ҳам маҳалла раиси бош-қош.

– Бизда 10 йигит-қиздан иборат "Қалдирғоч" гуруҳи тузилган, – деди раис. – Улар устозлари билан хонадонларда юриб, аҳолининг томорқаларига кўнгилли сифатида ёрдам берадилар.

Маҳаллада 2 мингга яқин турли миллат вакиллари аҳил-иноқ ҳаёт кечирмоқдалар. Аҳоли тўла иш билан банд. Улар орасида уста-ҳунармандлар кўп. Хусусан, 22 та оила сандиқчилик, тикувчилик, тўқувчилик билан шуғулланиб, даромад оляптилар.

**Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

САЛОМАТ БЎЛИНГ

# АВВАЛО ТИНКАНИ ҚУРИТАДИ

Маҳаллаларда тарғибот ишларини олиб бораётган вақтимизда бир онахон "Неварам ўқишдан келгандан кейин чарчаб қолади. Ҳатто, дарс тайёрлашга ҳам мажоли йўқ. Унинг соғлиғидан хавотир оляпман", деб шикоят қилди. Яна бир аёл эса фарзанди кундан-кунга озиб кетаётгани, юзларида оқ доғлар пайдо бўлганини айтиб, сабабини сўради.

Албатта, аҳоли орасида бундай саволлар бўлиб туради. Чунки, гижжа муаммосига кўпчилик тўқнаш келади.

Аслида, гижжа – киши организмида паразитлик қилиб яшайдиган чувалчанг. Унинг 260 дан ортиқ тури бор. Узунлиги микроскопик катталикдан то 10 метргача етади. Нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, мушак тизимида, жигар, талоқ, қон, мия, кўз ва бошқа аъзоларда паразитлик қилади. Гижжа тухумлари тупроқда, сув, мева-сабзавотлар ва ҳайвонларда учрайди.

Болаларда кўнгил айниши, қайт қилиш, бош оғриши, қувватсизлик, безовталик, уйқу бузилиши, вазннинг камайиб кетиши, тажанглик, қоринда оғриқ кузатилиши, уйқу пайтида тишини ғижирлатиш каби ҳолатлар бўлса, демак унда гижжа бўлиши мумкин. Бундай пайтда, болаларни инфекционист ёки гельминтолог кўригига олиб бориш шарт.

Гижжа касаллигининг олдини олиш учун аввало, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш керак. Бунда қўлларни совунлаб ювиш, баданни озода тутиш, тирноқларни тоза ва калта бўлиши, ички кийим ва чойшаб, ўрин-кўрпа жилдларини тез-тез алмаштириб туриш ва дазмоллашнинг аҳамияти катта. Шунингдек, гўшт маҳсулотларини тоза ювиб, яхши пишириб, сабзавот ва меваларни яхшилаб ювгандан кейингина истеъмол қилиш лозим.

Қолаверса, уй ҳайвонларини парвариш қилишда ҳам айрим қоидаларга амал қилиш зарур. Шуни унутмаслик керакки, гижжа тухумлари киши танасига тушгандан сўнг, тез ривожланади ва турли аъзоларни зарарлай бошлайди. Камқонлик, иммун пасайиши, ичак хасталиги, тери-таносил каби касалликлар келиб чиқади.

Гижжа касаллигининг олдини олиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти хайрихоҳлигида "Гижжадан холис бўлган болалар" Халқаро дастуридан мурувват ёрдамида олинган Вермокс-гелминтга қарши таблеткалар билан (15 фоиздан юқори) мактабларнинг бошланғич синф (7-11 ёшгача) ўқувчиларини дегельминтизациядан ўтказишга қаратилган фармойиш ишлаб чиқилди.

Шу йилнинг 30 апрель – 5 май кунлари гижжа билан зарарланганлиги 15 фоиздан юқори бўлган мактабларнинг бошланғич синф ўқувчиларига вермокс таблеткалари тарқатилади.

Ота-оналар касални даволагандан кўра, унинг олдини олган маъқул эканини унутмасликлари зарур.

**Фарида КОМИЛОВА, Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали мутахассиси.**

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Такрорий аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан 10.10.2007 йилдаги ЖСХ-1-511/2007-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ракатбоши 1-тор кўчасида жойлашган, Д. Г. Бекмуҳаммедовага тегишли, бошланғич нархи – 364 811 939 сўм 10 тийин, уй-жойнинг умумий майдони 203,70 кв.м., умумий ер майдони 325,0 кв.м.дан иборат бўлган икки қаватли 15-уй-жой (ҳовли) қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 18 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

**ООО «REALTOR GARANT BUSINESS» приглашает на открытые аукционные торги на повышение, которые состоятся 05.06.2012 г. в 11.00.**

На торги выставляется отделом судоисполнителей Алмалыкского города сог.исп.листа 17.09.2010 г. № 13399 столовое помещение, находящееся по адресу: Ташкентская область, г. Алмалык, ул. Мустакиллик, дом 22. Стартовая цена: 37 500 000 сум. На торги выставляется отделом судоисполнителей Юнусабадского района сог.исп.листа 09.12.2011 г. № 31007/17 3-х комнатная квартира, находящаяся по адресу: г. Ташкент, Юнусабадский р-н, Ц-2, дом 18, кв. 40. Стартовая цена: 80 142 090 сум. На торги выставляются отделом судоисполнителей Мирзо-Улугбекского района следующие квартиры: 1. Сог.исп.листа 08.11.2011 г. № 540 3-х комнатная квартира, находящаяся по адресу: г. Ташкент, М.-Улугбекский р-н, ТТЗ-1, дом 38, кв. 38. Стартовая цена: 30 000 000 сум. 2. Сог.исп.листа 28.02.2012 г. № 1-24598/11 4-х комнатная квартира, находящаяся по адресу: г. Ташкент, Алмазарский р-н, ул. Ниезова, дом 19, кв. 113. Стартовая цена: 58 200 000 сум. На торг выставляется отделом судоисполнителей Яккасарайского района сог.исп.листа 09.08.2011 г. № 1-436/11 4-х комнатная квартира, находящаяся по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский р-н, ул. Урикзор, дом 1-А, кв. 20. Стартовая цена: 41 281 119 сум.

Если аукцион 05.06.2012 г. не состоится, то заранее извещаем, что повторные торги состоятся 20.06.2012 г. Для участия в аукционе заявки, договор о задатке для оплаты 10% залога от стартовой стоимости принимаются в будние дни от 10.00 до 16.00 (с 13.00 до 14.00 обед) по адресу: г. Ташкент, М.-Улугбекский р-н, ул. Буюк Ипак йули, дом 184. Телефон: 266-80-76. Приём заявок прекращается за один день до проведения аукциона. Адрес банка: г. Ташкент, "Ипотека банк" АТИБ Шайхантаурский ф-л. р/с: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Лицензия: RR-0052.

**ООО "SPARETRA" приглашает на открытые аукционные торги на повышение, которые состоятся 05.06.2012 г. в 10.00.**

На торг выставляется "Супер Салон" 1998 г.в., г/н 01 401 DAA. Стартовая цена: 2 762 680 сум. Если аукцион 05.06.2012 г. не состоится, то заранее извещаем, что повторные торги состоятся 20.06.2012 г. Для участия в аукционе заявки, договор о задатке для оплаты 10% залога от стартовой стоимости принимаются в будние дни от 10.00 до 16.00 по адресу: г. Ташкент, М.-Улугбекский р-н, ул. Буюк Ипак йули, дом 184. Телефон: 266-80-76. Приём заявок прекращается за один день до проведения аукциона. Адрес банка: г. Ташкент, "Ипотека банк" АТИБ Шайхантаурский ф-л. р/с: 20208000104887305002, МФО 00425, СТИР 301829604.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

# XXI аср ва дунё

## ФИРИБГАРЛИК ФОШ БЎЛДИ

**Австралиянинг АҚШда фаолият юритаётган "Lend Lease Construction" қурилиш корпорацияси ўз мижозларига 56 миллион АҚШ доллари миқдорида жарима ва бадал пули тўлайди.**



Боиси мазкур компания ўз хизматлари учун белгиланган тўлов миқдорини асоссиз ошириб кўрсатган ва мижозлардан алдов йўли билан ортиқча пул ундирган.

"The Wall Street Journal" нашрининг ёзишича, айни вақтда компания раҳбарлари устидан жиноий иш қўзғатилган.

## ЭГАСИ НОМАЪЛУМ САҒАНА

**Хитойнинг Шаньдун провинциясида археологлар Чжоу сулоласига тегишли бўлган эгасиз мақбарани аниқладилар.**

Маълумотларга кўра, ўша даврнинг анъаналарига зид ҳолда тепаликка дафн этилган мазкур сағана 2,6 минг ёшда. Олимлар ноанъанавий тарзда дафн этилган ушбу қабр эгаси қолдиқларини ҳамон топа олмадилар. Бироқ мақбарадан бронзадан ишланган қурол-аслаҳа, мусиқа асбоблари ва нефритдан ишланган заргарлик буюмлари қолдиқлари топилган.

Қазишма ишларига раҳбарлик қилаётган археолог Хао Даохуанинг айтишича, бу сағананинг аёл ёки эркак кишига тегишли эканини билиш учун яна кўплаб изланишлар олиб бориш керак.

## ХАТ ЎҒРИСИ

**Германиянинг "Deutsche Post" почта хизмати ходимининг уйидан қирқ мингга яқин ўғирланган хат ва посилка топилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС.**



Полициячиларнинг сўзларига қараганда, ўттиз олти ёшли почта ходими 2011 йилдан буён почта хизматидан фойдаланувчи кишиларга келадиган турли хилдаги хат, ҳужжат ва буюмларни ўғирлаб, ўз уйида сақлаган. Унинг жиноий иши "Deutsche Post"га юз минг евро миқдорида иқтисодий зарар етказган.

Ҳозир почта ходими устидан жиноий иш қўзғатилган. Ўғирланган хат ва буюмлар эса ўз манзилларига юборилган.

**ЎзА.**

НИГОҲ

# ҲАЛОКАТЛИ ВАЗИЯТ

**Қирғизистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари иштирокидаги бир йиғилишда "Кылым шамы" нодавлат нотижорат ташкилот раҳбари Азиза Абдурасулова милиция амалдорларининг уставни қўпол тарзда бузишлари, лавозимларини суиистеъмол қилишлари ва таъмагирликларини аниқ далиллар билан очиб ташлади. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий ҳаёт ва ички ишлар вазирлиги тизимларида бошбошдоқлик тўла ҳукмрон эканлигини кўрсатади. Погон таққан кишилар учун касб шаъни аллақачон ортиқча юкка айланган.**

Қирғизистон ички ишлар вазирининг собиқ ўринбосари генерал Жениш Жакиповнинг эътироф этишича, бугунги кунда қирғиз милицияси ҳуқуқ-тартибот назоратини таъминлашга қодир эмас. Нафақат ИИВ, балки миллий хавфсизлик давлат қўмитаси ва прокуратура ҳам статистикачиларга айланган ва ҳозир четдан кузатувчи вазифасини ўтаяпти. Бунинг учун фақат ва фақат шу тизимларнинг раҳбарлари, шахсий таркиби айбдор.

Сиёсий инқироз, назоратнинг бутунлай йўқлиги, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг поймоллиги, куч қўлловчи тузилмаларнинг жиноятчилар билан қўшилиб, уйғунлашиб кетишига, уруғаймоқчилик ва маҳаллийчилик кучайишига олиб келди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида ўзаро уйғунлик ва ҳамкорлик йўқ. Бунинг бош сабаби шундаки, прокуратура ҳам, миллий хавфсизлик давлат қўмитаси ва милиция ҳам қўлларига тушган одамни шилиш билан овора. Бой ва ўзига тўқ кишилар устидан қалбаки иш қўзғатилиб, зўр бериб тергов уюштирилади ва муайян миқдордаги товон пули эвазига улар қўйиб юборилади. Ҳар бир орган ўз ишини ўзи қилишининг асл сабаби шунда.

Рисоладагидек давлатларда куч қўлловчи органлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Қирғизистонда эса, мантиқсизликни қарангки, халқ ўзи тўлаётган солиқлари ҳисобига боқаётган ўша органлар ходимларидан ўзини товон тўлаб қутқаришга мажбур бўлаяпти. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг яна бир даромад манбалари турли жиноятчи гуруҳлар, гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчилар ва безориларга ҳомийлик қилишдир. Бундай ҳимоя йўли билан улар жиноятчилардан ўзларининг сиёсий манфаатларини таъминлашда фойдаланадилар.

Республика раҳбарлари бир неча марта жойларга ташриф буюрдилар, аҳволни ўргандилар, таҳлил қилдилар, вазифалар юкладилар. Бироқ, ҳеч қандай ўзгариш бўлмаяпти. Бу пайтда эса халқаро ташкилотлар ва маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлар қонунсизликлар ҳақида аянчли далиллар келтирмоқда. Чунончи, ИИВ 10-бошқармаси бошлиғининг ўринбосари полковник Абдували Окжоловнинг собиқ муфтий Муродали ажи Жумановнинг ўлимида қўли бор экан. У жиноятчи гуруҳ билан тил бириктириб, диний етакчининг ўғирланишини ташкил этган. Мақсад – товон пулига эга бўлиш. Бу – денгиздан томчи. Озмунча бегуноҳ одамлар бундай сурбетларча таъмагирлик қурбони бўлмаганлар.

Яна бир далил. Ички ишлар вазирининг жанубий округ бўйича ўринбосари, касбий салоҳияти у қадар бўлмаган, мансабпараст Курсан Асанов кимларнингдир қўллаши билан генерал-майор унвонини олди. У қўриқланадиган шахс мақомига эга бўлмасада, 20 дан 30 нафаргача тансоқчи сақлайди. Шуниси қизиқки, бу сохта генерал тансоқчилар меҳнатига қайси манбадан ҳақ тўлайди? Ахир мансаб уставида бундай ҳол назарда тутилмаганку?

Милицияда ишга келмай қолиш одатий ҳолга айланди. Ҳеч қандай сабабсиз бир неча кун ишга чиқмай, шахсий муаммоларни битириб юриш мумкин. Фақат шуниси борки, бунинг учун бошлиқларга пул "қистириш" керак.

Юқорида куч қўлловчи органлар ходимлари бой ва ўзига тўқ кишиларни қандай қилиб "соғаётганлари"ни айтдик. Бу ҳол шу даражага бориб етдики, улар энди қўзғатилган сохта ишларни бир-бирларига сотмоқдалар ва сотиб олмоқдалар. Бундай қурбонлар эса, натижада икки-уч баравар "ҳақ" тўлашга мажбур бўлмоқдалар. Бор маълумотларга қараганда, Жалолобод вилояти Сўзак тумани ички ишлар бўлими участка нозири Талай Мадумаров бу масалада устаси фаранг экан.

Милиционерлар қўлга тушганлардан ашёвий далил сифатида олиб қўйиладиган гиёҳвандлик моддаларини қайта сотишни ҳам кенг йўлга қўйганлар. Жанубий пойтахт ички ишлар бўлимида шундай "оддий" иш юз берди. Турк миллатига мансуб фуқаро уч килограмм героин билан қўлга тушган эди. Унинг соқовлигидан фойдаланиб қолмоқчи бўлган терговчилар "яшил ажал"нинг ярмини сохтасига алмаштириб қўйишди ва шу тариқа қўлга киритилган 1,5 килограмм гиёҳванд моддани кейинчалик ўзлари "енг ичида" сотишди.

Халқ орасида шундай гаплар юради: милиция турли макр ва ҳийла-найрангларни ишга солиб, товон тўлаб қутулиш имконияти йўқ одам ва ташкилотларни илинтиради. Улар ҳатто, энг обрўли ва нуфузли ҳокимият органи бўлган депутатлик комиссиясидан ҳам чўчишмайди. Депутат Азамат Араббоевнинг қисмати билан боғлиқ воқеа бунга яққол мисол.

Медалнинг иккинчи томонига ҳам кўз юмиб бўлмайди. Милиция ходимлари қариндошлари ва дўстлари билан эмин-эркин суҳбатлар чоғида ойлик маошлари озлигидан шикоят қилишади, ижтимоий имтиёзлар йўқлигидан зорланишади. Шунинг учун турли йўллар билан чойчақа топишга уринишга мажбурмиз дейишади. Эътироф этиш ноқулай, бироқ ҳуқуқ-тартибот посбонларининг иш ҳақлари тўйиб овқат ейиш имконини бермайди. Ҳатто шундайлар ҳам борки, ҳуқуқ-тартибот органларининг обрў-нуфузи пасайиб, уларга ишонч сусайиб бораётгани сабабли махсус кийимни кийиб юришга ор қилишади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муаммолари шу даражада чуқурлашиб кетдики, ИИВ раҳбарияти вазиятни якка ўзи ўнглашга қодир эмас. Бу ишга жамоатчилик ва ҳар бир фуқаро ҳам ўз ҳиссасини қўшмоғи керак. Зеро, "Кылым шамы" нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари Азиза Абдурасулова ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари мажлисига бекорга таклиф этилмаганди. Ҳаммамиз бир бўлсак, тартиб ўрнатишни уддалаб оламиз.

**Урмат АКУНОВ.**
**www.centrasia.ru.**



ҲУНАРМАНДЧИЛИК

# ҲАМ ҚАДРЛИ, ҲАМ АРДОҚЛИ

**Ҳунар завол билмайди. Асрдан асрга, наслдан наслга, устоздан шогирдга ўтиб келаверади. Ҳунарли ҳам шундай. Ҳеч қачон кам бўлмайди. Аксинча, элда азиз, рўзғори бут, орзу-ҳавас кўриб яшайди.**

Аҳмад ота Раимжонов шундай орзу-ҳавасли ҳаёт насиб этганлардан. Отанинг қўлида сайқал топган оддий ёғоч қошиқдан тортиб сандиғу бешик, деразa ромию эшик ва бошқа уй-рўзғор жиҳозу буюмларининг довруғи довон ошган.

Қизиғи шундаки, ҳунармандчилик отанинг қўшимча машғулоти. Аслида, 1956 йилда Тошкент индустрия техникумини битирганидан сўнг то пенсияга чиққунича давлат корхоналарида ишлади. Ёғочдан турли буюмлар ясаш эса, дастлаб шунчаки кўнгил иши бўлиб, фақат бўш вақтларидагина шуғулланарди. Аммо, ҳунар шундай сеҳрли машғулотки, унга қўл урган киши бир умр боғланиб қолади.

Мустақилликдан сўнг фермер ва тадбиркорлик ҳаракатларига кенг йўл очилди. Шунингдек, ҳунармандлар ҳам эмин-эркин ишлаш учун ҳамма қулайлигу имтиёзларга эга бўлишди. Аллақачон пенсияга чиққан бўлишига қарамай, Аҳмад ота ҳам ўзгача руҳ, янги ғайрат билан ҳунарини давом эттирди. Ҳозир унинг хатти-ҳаракатини кузатган киши 84 ёшли қария демайди. Ўз ҳунаридан олам-олам завқ олишдан ташқари, йилига 3-4 шогирд ҳам тайёрлаяпти. Устоз-шогирд анъанаси эса, Ўзбекистонда азалдан қадр топган.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

## УЙИДА ЎТИРМАГАН КИМ?

Ўз даврининг довруқли шоирларидан Рашидиддин Вотвот билан Собир Термизий қалин дўст эдилар. Рашидиддин ҳазил-мутойибага ўч эди, Собир ҳам ундан қолишмасди. Халқ айтмоқчи, кўришганда "тишлашиб", соғинганда "кишнашиб" турмаса, кўнгиллари тўлмасди.

Бир куни қишнинг қаҳратон совуғида Рашидиддин уйида ёлғиз ўтириб зерикди. Дўстини йўқлаб йўлга тушди. Бориб, қадрдон эшикни тақиллатди. Собир дўстининг келганини кўрган эди, лекин атайин эшик очмай ўтираверди. Рашидиддин тағин дарвозани бир-икки муштлади-ю, охири қичқирди:

– Собир Термизий деганлари нечук одамки, қишнинг шу совуғида уйида ўтирмай, ҳар қаёқда тентираб юргай?

Собир Термизий деразани қия очиб, товуш берди:

– Мен ўз уйимда муқим ўтирибман, мавлоно! Рашид Вотвот деган зот қандоқ кишиким, қаҳратон қишда уйида ўтирмай, бировларнинг эшигини қоқиб юрибди?

Собир Термизий эшик очди. Икки дўст кучоқлашиб кўришдилар.

## ФЛОБЕР «АДАШДИ»

Машҳур француз ёзувчиси Ги де Мопассан ёшлигида асарларини чиқаролмай, сарсон бўлди. Ҳикояларини қайси газетага олиб борса, турли баҳоналар билан қайтариб беришарди. Бир куни у хафа бўлиб, Гюстов Флобернинг олдига борди. У пайтлар Флобер китоби қўлма-қўл ўқиладиган обрўли ёзувчи эди.

– Устоз, ёрдам беринг. Биронта газета асарларимни босмаяпти, – деди Мопассан ва Флобернинг олдига бир даста ҳикояларини қўйди. Флобер ёш ёзувчининг бир нечта ҳикоясини ўқиб кўриб, ажратди. Мопассан деган фамилияни ўчириб, ўрнига ўзининг исм-шарифини ёзиб қўйди.

Мопассан ҳикояларини кўчиртирди, уларни устоз бериб юбордилар, деб таҳририятга ташлаб келди.

Тўрт-беш кунда Мопассаннинг асарлари Флобер номи билан кетма-кет чиқа бошлади. Бунинг устига газеталар муаллифга мақтов ёғдиришга тушди: "Гюстов Флобер янги жанрга ўтди! У ёшликка хос эҳтирос ва хушбахтлик ила янги асарлар ёзмоқда. Ҳикоялар ўзининг оригиналлиги, ширали тили билан ўқувчини мафтун этади".

Флобер бир куни газетанинг бош муҳарририга хат битди: "Муҳаррир жаноблари! Каминани афв этгайсиз. Флобер номида эълон қилинган ҳикоялар аслида меники эмас, Ги де Мопассан деган ёш ёзувчиники эди. Қарилик қурсин, хотирам фаромуш бўлиб, адашиб кетибман". Флобернинг хати газетада чоп этилди. Эртаси кундан бошлаб Мопассаннинг харидорлари кўпайиб кетди. Ҳамма ундан янги асар ёзиб беришни илтимос қиларди...

**Саъдулла СИЁЕВ.**

КЎРГАЗМА

## ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида ўтказилган анъанавий "Ўзбекистон Тасвирий санъат ҳафталиги" бу сафар Мустаҳкам оила йилига бағишланди.**

Санъат байрамида қатнашган мухлис ва меҳмонлар устоз, талаба ва ўқувчилар ижоди, моҳир мусаввир, ҳайкалтарош, халқ амалий санъати усталарининг ижоди ва фаолияти билан танишдилар. Санъат мухлислари шу жойнинг ўзида қўлларига қалам олиб, ўз рассомлик маҳоратларини синаб кўриш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Етук ижодкорлар ҳамда талаба ва ўқувчиларнинг рангтасвир, графика йўналишларидаги ишларида юртимизнинг гўзал табиати, замонавий бинолар, тарихий шаҳарларимизнинг асраб-авайлаб сақланаётган меъморий обидалари, маданиятимиз арбоблари портретлари, йил фаслларининг гўзаллиги акс этган миллий ҳунармандчилик, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъатига оид сара асарлар мухлисларни ўзига мафтун қилди.

Экспозициядан жой олган "Ҳожикентда қиш", "Баҳор. Бурчмулла", "Сижжакда куз", "Хумсонда қиш", "Хумсон", "Олтин куз. Бурчмулла", бир-бирини тўлдирган "Сўқоқ" асарлари санъатсеварлар диққатини ўзига тортади ва мулоҳазаларга чорлайди.

Нуроний бобо ва момо сиймолари тасвирланган асар муаллифи Асадбек Турсунқулов 2011 йилда Бўка туманидаги 29-мактабнинг 4-синфини тугатгач, ҳозирги ўқиётган республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатига қабул қилинган. Биз, шунингдек, вилоятнинг турли бурчакларидан келиб республика рассомлик коллежида ўқиётган ёшларнинг ишлари билан ҳам танишдик. Жумладан, кўргазма зали атрофида очиқ ҳавода иккинчи курс ўқувчиси Мусажон Марварид Бегим ҳали тугалланмаган асарини ниҳоясига етказаётган экан. У санъатга қизиқиши туфайли Янгийўл шаҳридаги 45-мактабнинг 9-синфини тугатиб, шу билим юртига ўқишга келган.

Тасвирий санъат ҳафталигининг ҳар бир куни рангтасвир, графика, фото, амалий санъат, миниатюра, ҳайкалтарошлик ва дизайн йўналишларига бағишланди. Устоз ижодкорлар иштирокида давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари ташкил этилди.

Ҳафталик якунида фаол иштирокчилар диплом, медаль ва сертификатлар билан тақдирландилар.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ҚИЗЛАР «СОТУВ»ГА ТАЙЁР ЭДИ, АММО...

Оҳангарон тумани ҳудудида истиқомат қилувчи Расима Алшаева (аввал бир неча бор судланган, лекин амнистияга "илиниб", чиқиб кетган) ҳамда Гулнора Истибоева антиқа ва қалтис бизнесга қўл урмоқчи бўлишди.

2011 йилнинг 1 сентябрида ёшлари 50 дан ошган бу аёллар Алишер, Нурулло, Нурик, Ира, Замира исмли (лақабли) шериклари билан жиноий режа тузиб, одам сотишдек қабиҳ ишни бошламоқчи бўлишди. Бунинг учун вояга етмаган Сурайё, Дилфуза исмли қизларни алдаб, фоҳишаликка сотишни режалашди. Улар ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган қизларга нималарни ваъда қилишмади. Ҳар бирига 400 АҚШ доллари миқдорида маош беришармиш, ишлари эса анча осон эмиш – ошпаз, официантка ва шу каби "беозор" касблар эгаси бўлишармиш. "Иш" ҳам шундоқ бир қадам нарида – Қозоғистон Республикаси ҳудудида.

Биласизларми, Р. Алшаева ва Г. Истибоева ҳар бир бўлажак фоҳиша учун қанча пул олиши мумкин эди? Юз доллардан... Ўйлаб кўринг-а, бировнинг ҳаётини булғаш учун атиги 100 доллар!

Лекин, бу сафар уларнинг савдолари "пишмади". Деярли норасида қизларнинг бахтига бу уюшган жиноятчи гуруҳ аъзолари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари томонидан ҳибсга олинди. Натижада Р. Алшаева 5 йил, Г. Истибоева 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Хуллас, адолат қарор топди. Аммо, ҳали неча-неча Сурайё ва Дилфузалар мана шундай Алшаева ва ҳамда Истибоеваларнинг тузоғига тушишлари мумкин?! Нима учун ёшларимиз шунчалик ишонувчан? Маҳалла-кўй, қариндош-уруғ, ота-оналар қани? Бундай лоқайдлик нималарга олиб келиши ҳақида, наҳотки, ўйлаб кўришмаса?

Ҳа, Сурайё билан Дилфуза қисмати барчамиз учун огоҳликка навбатдаги даъватдир.

**Исмоил ИБРОҲИМОВ.**

ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ

# ТАЪМА

– Алло, Қудрат ака, сизмисиз, ассалому алайкум.

– Ҳа, мен, кечирасиз, ким билан гаплашяпман?

– Ана холос, мендек укангизни танимай қолибсиз-да. Оқибат шу экан-да.

Чиндан ҳам гўшакдан келаётган карнай товушидек йўғон овоз эгасини таниёлмай гаранг эдим. Хайриятки, мушкулимни ўзи осон қилди:

– Мен Қамчибекман ака, овозим операчиларга ўхшаб, отнинг қашқасидек таниш-ку. Ғазалкентдан қўнғироқ қилаяпман.

– Э, сизмидингиз, уйдагилар яхшими, ишлаб юрибсизми? Хизмат, – дедим гап аччиқ ичакдек чўзилаётганидан эзилиб.

– Сизга хушхабар бор, ака, – деди Қамчибек салмоқлаб. – Бир укахонимиз сизлардаги хизмат кўрсатиш ташкилотига бошлиқ бўлиб борди. Жуда одамохун йигит-да. Қолаверса, бизга андек чатишган жойи ҳам бор. Ўлиб кетган аммамизнинг ўғлининг невараси. Хизмат бўлса, ҳузурига бемалол кираверинг. Қамчибекнинг акасиман, десангиз кифоя. Ҳар қандай муаммоингизни қулоқ қоқмай ҳал қилиб беради.

– Майли, раҳмат ука, – дедим энсам қотиб. – Пенсиядаги одамнинг ташкилот раҳбарига қандай хизмати бўлиши мумкин. Ҳамма тўловларни ўғилларим вақтида тўлаб туришипти.

– Одам холис, ака, хизмат бор жойда муаммолар чиқиб туради. Ҳа, дарвоқе, бир илтимосим бор эди, – деди у яна салмоқлаб. – Шу қариндош укам ҳақида газетада бир мақола чиқарсангиз. Ҳар ҳолда туманингизга танилиб қоларди.

– Ҳали эрта шекилли, – дедим хушламай. – Шу сиз айтган ташкилот раҳбарлари бамисоли дўппидай тез-тез алмашишяпти. Бирини таниб улгурмай, иккинчиси, учинчиси, Худо билсин, қариндошингиз бир йилда бешинчисимикан...

Телефон узилиб қолди. Жавобим ёқмай, тугмачани босиб қўйдими, ёки телефон қуввати тугаб қолдими, билмадим. Нима бўлганда ҳам менинг кўнглимдаги иш бўлди. Шундан сўнг Қамчибек икки-уч ой жим бўлиб кетди.

Буни қаранг-ки, бир куни кечликда яна телефонда Қамчибекнинг карнай овози эшитилиб қолди:

– Алло, Қудрат ака, ассалому алайкум. Қадрдон укангиз Қамчибекман. Хушхабар бор, ака, хушхабар. Сизни хурсанд қилай, деб ичим ёниб, қўнғироқ қилаяпман.

– Қандай хушхабар экан? Яна бирорта амма-холангизнинг невараси бизга раҳбар бўлиб келмадими, ишқилиб?

– Э, ака, сиз аломат одамсиз-да. Бу гал сизлардан бизнинг каттага ўринбосар бўлиб бир йигит келибди, денг. Нақ сизнинг ўзингиз-ей. Исми Шерматжон экан. Мабодо қариндошингиз эмасми?

– Йўқ, танимайман, – дедим бўшашиб. – Мен нафақадаги одам бўлсам...

– Сизни тушунаман. Ниҳоятда камтар одамсиз-да. Сиздан бир илтимосим бор. Ҳамшаҳрингизнинг қўл телефонини бир амаллаб билиб олдим. Шу рақамга телефон қилиб, "Сен ишлаётган туманда Қамчибек деган иним бор. Шуни қўллаб юбор", десангиз кифоя. Зеро, шу баҳона бирорта амалга эга бўлсам, сиздан хурсанд бўлардим. Хўпми, ака?

Бошим гир айлана бошлади. Кўнглим беҳузур бўлиб, кўз олдим қоронғулашиб кетди. Телефонни ўчириб отдимми ёки ўчирмай отдимми, билмайман. Пойгадаги темир ўчоққа тегиб, бўлак-бўлак бўлиб кетди.

Шундан буён ойлар ўтди, йиллар ўтди, телефон ишлатмай қўйганман.

Ҳаловатли ҳаёт қандоқ яхши-я.

**Собиржон ИНОМОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-442. Адади 12881. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 12345